

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ



НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

**“ЗАМОНАВИЙ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ШАРОИТИДА ТЕХНИКА ВА
ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА УЛАРНИНГ
ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ”**

илмий-амалий анжуман

МАЪРУЗА МАТЕРИАЛЛАРИ ТўПЛАМИ

**24-25 май
I-ҚИСМ**



Наманган-2017

13.	ИССЛЕДОВАНИЕ ТЕХНОЛОГИЧЕСКИХ ПРОЦЕССОВ ПЕРЕРАБОТКИ ХЛОПКА–СЫРЦА С ЦЕЛЬЮ СОЗДАНИЯ НЕПРЕРЫВНОЙ АВТОМАТИЗИРОВАННОЙ ПОТОЧНОЙ ЛИНИИ <i>Р.Т.Газиева, Ж.Ж.Рахимов (ТИИМ), А.П.Байдюк (ЮРГПУ (НПИ))</i>	337
14.	НСЭ ВА АБ БАЛАНСИДАГИ МЕЛИОРАТИВ НАСОС СТАНЦИЯЛАРИДА ДИСТАНЦИОН БОШҚАРУВ ҚУРИЛМАЛАРИНИ ҚЎЛЛАШ МАСАЛАЛАРИ <i>Р.Т.Газиева, Ж.Ж.Рахимов, Д.Камолов (ТИИМ)</i>	339
15.	К ВОПРОСУ СИСТЕМНОГО ПОДХОДА ПРИ ВНЕДРЕНИИ СОВРЕМЕННЫХ СРЕДСТВ АВТОМАТИЗАЦИИ И ИКТ НА ВОДОХОЗЯЙСТВЕННЫХ ОБЪЕКТАХ <i>Н.Азизова (ТИИМ)</i>	343
16.	КИЧИК ЧОРВАЧИЛИК ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИНИ ТЕХНИКАЛАР БИЛАН ТАЪМИНЛАШ МУАММОЛАРИ <i>Ш.Абдурахмонов (ТДАУ)</i>	346
17.	ОЗУҚАЛАРНИ МАЙДАЛАШ МАШИНАЛАРИНИ ЯРАТИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ <i>Ш.Абдурахмонов (ТДАУ)</i>	348
18.	МЕВА-УЗУМНИ ҚУРИТИШ ИШЛАРИНИ РЕЖАЛАШТИРИШ. <i>доц. Т. Л. Худайбердиев, тад. З.Узоқова, талаба А.Эргашев (НамМТИ)</i>	350
19.	МУРАББО ПИШИРИШ ТЎҒРИСИДА <i>доц. Т. Л. Худайбердиев, тад. З.Узоқова, талаба З.Жўраева (НамМТИ)</i>	353
20.	МЕВА-САБЗАВОТ, УЗУМ ВА ПОЛИЗ ЭКИНЛАРИНИ ЕТИШТИРИШГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН ХУДУДЛАРДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ АМАЛИЁТЛАРИНИ ЎТИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ. <i>И.Р.Нуритов, Н.Э.Абдиев (ТДАУ)</i>	356
21.	ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА МЕХНАТ РЕСУРСЛАРИНИ ШАКИЛЛАНИШ ХУСУСИЯТЛАРИ <i>асс. У.С. Бердимуродов, А.А.Бозорбоев (ТДАУ), асс. Ж.Д.Авазов–ТермДУ</i>	362
22.	АГРАР СОҲАДА МЕХНАТ РЕСУРСЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ САМАРАДОРЛИГИ АНИҚЛАШ УСЛУБИЯТИ. <i>асс.У.С. Бердимуродов, талаба Д.Исломов (ТДАУ)</i>	365
23.	ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА БОШҚАРИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ <i>асс.У. Бердимуродов (ТошДАУ), асс Ж. Авазов (ТермДУ), А.Рустамова (ҚХ ва ТКХ)</i>	369
24.	ЗАЙТУНЧИЛИК СОҲАСИДА ИШЛАР ҚАНДАЙ БОРАЯПТИ <i>доц. Х.Хушвақтова (ЎДЖТУ)</i>	371
25.	МУҚОБИЛ ЭНЕРГИЯ ВА ЭКОЛОГИК ХАВФСИЗЛИК <i>проф.Д.Ёрматова, доц. Х.Хушвақтова (ТДЖТУ), Х.Хурамова (НамМТИ)</i>	374
26.	ФИЗИКО–ХИМИЧЕСКАЯ ХАРАКТЕРИСТИКА ТУРБИННОГО МАСЛА ПОЛУЧЕННОГО ИЗ МЕСТНЫХ НЕФТЕЙ <i>Маннонов Ф.С., Игамкулова Н.А., Зиядуллаев О.Э. (ТХТИ)</i>	377
27.	ВВЕДЕНИЕ ДЕПРЕССОРНЫХ ПРИСАДОК К МАСЛАМ И УЛУЧШЕНИЕ ИХ КАЧЕСТВА <i>Маннонов Ф.С., Комилов О.О., Игамкулова Н.А., Зиядуллаев О.Э. (ТХТИ)</i>	379
28.	КАПРОФАГЛАР АСОСИДА ОЗУҚА ЕМИ ҚЎШИМЧАСИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ: НАЗАРИЯ ВА АМАЛИЁТ <i>Хўжамшукуров Н., Нурмухамедова В., Газиева Ш., Нормўминов А. (ТКТИ)</i>	381
29.	ҒАЛЛА АГРОБИОЦЕНОЗИДАГИ ТАБИИЙ КУШАНДАЛАРНИНГ СЎРУВЧИ ЗАРАРКУНАНДАЛАР СОНИНИ КАМАЙТИРИШДАГИ	

Таълим жараёнида Венн диаграммасини қўллаш таабаларда мустақил равишда турли тушунчалар, асослар, тасаввурларнинг анализ ва синтезини икки аспект орқали кўриб чиқиш, уларнинг умумий ва фарқловчи жиҳатларини аниқлаш, таққослаш бўйича ижодий қобилиятларини шакллантириш имконини беради.

ДОНЛАР ҚОБИҒИНИ АЖРАТИШНИНГ ИСТИҚБОЛЛИ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Ш.Абдурахмонов (ТДАУ)

Ҳозирги кунда Республикамизда фермер хўжаликлари интенсив ривожланмоқда. Бунга республикамиз раҳбарлари ва шахсан Республика Президентининг бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнидаги кишлоқ меҳнаткашларига хўжалик ишларини олиб боришида шарт-шароит яратиш бўйича ҳамкорликлар илҳомлантирмоқда [1; 2; 3].

Фермер хўжаликларига Республика Олий Мажлиси томонидан ишлаб чиқилган бир қатор қонунлар, Республика Президентининг Фармонлари, банклар томонидан берилаётган микро ва макро кредитлар, лизинг хизматининг ташкил этилганлиги ва бошқа яратилган шарт-шароитлар сабаб бўлмоқда [1; 2; 3]. Кишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирадиган фермер хўжаликлари фаолиятини ўрганиш ва таҳлил қилиш кўпчилик фермер хўжаликларига кичик ўлчамдаги техника воситаларининг етишмаслиги кузатишмоқда. Бундай ҳолат кўпчилик технологик жараёнларни қўл меҳнати билан бажаришга ва натижада маҳсулот тан нархининг ошиб кетишига олиб келмоқда.

Юмшоқ-пўстлоқли кишлоқ хўжалик маҳсулотлар экинлари (ерёнғок, семечка, калампир, бўлғор калампир ва бошқ.) асосан кам миқдордаги майдонларда ёки иккинчи экин сифатида экилади ва уларни етиштириш, йиғиштириш ва бирламчи ишлов бериш масалалари механизациялаш-тирилмаган. Юмшоқ-пўстлоқли кишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш билан шуғулланиш ва аҳолига маҳсулотларини етиштириб беришни ривожлантириш илм-фан ва ишлаб чиқариш ютуқларидан кенг қўламда фойдаланиш билан боғлиқдир.

Юмшоқ-пўстлоқли кишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш ва уни озиқ-овқат учун тайёрлаш техникасини ривожлантириш механика соҳасидаги катта илмий янгиликлар билан боғлиқ ва унинг натижасида кўплаб ҳар хил турдаги машиналар ихтиро қилинган.

Фермер хўжаликларида етиштирилган юмшоқ-пўстлоқли мевали экинлар хосили уларнинг қобиғини ажратиш, навлаш, қадоқлаш ва сотувга чиқариш учун махсус корхоналарга топширилади. Бундай корхоналарда катта иш унумли, металл ва энергия сифими катта машина ва қурилмалар қўлланилади. Улардан кичик фермер хўжаликлари учун фойдаланиш яхши самара бермайди.

Сўнги пайтларда маҳаллий аҳоли ер ёнғок пўстлоғини ажратиш учун ҳар хил бошқа жараёнларга мўлжалланган машиналарни мослаштириб қўлламоқдалар. Улардан амалиётда фойдаланиш ҳолатини кузатишлар натижасида уларнинг мевалар қобиғини сифатсиз ажратиши, шикастланиши ва майда бўлақчаларнинг қўпайиб кетиши, тез ишдан чиқиши, ишчи қисмларнинг тез ейиши каби қатор камчиликлар аниқланган.

Республикамиз олимлари томонидан кичик фермер хўжаликлари оиласи учун кичик партидаги юмшоқ-пўстлоқли кишлоқ хўжалик экинлар донлари қобиғини ажратишга мўлжалланган машиналар яратиш бўйича олиб борилган илмий-ишлар яратилаётган машиналарда технологик ва техник жиҳатдан қатор камчиликлар бор эканлигини кўрсатди.

Дунёнинг етакчи компаниялари томонидан тизимли равишда кишлоқ хўжалик маҳсулотларини жумладан донли маҳсуларларни қайта ишлаш бўйича саноат даражасида ишлаб чиқиш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилган.

Жумладан, «Alifar agroimpeks and Engineering» компания томонидан ишлаб чиқарилган АЛМ-700 қурилмаси, «РЫБА» қурилмаси илдизмеваларни ва донли ўсимликларни тошлардан ва пўстлоғидан ажратиш ва Россия «[foodmos](#)» компанияси томонидан ишлаб чиқилган «А-300» ва «А-300А» қурилмаларини мисол қилиш мумкин.

Россия «[foodmos](#)» компанияси томонидан ишлаб чиқилган «А-300» ва «А-300А» қурилмаларини таҳлил қилайлик.

Айланувчи валга ўрнатилган тозаловчи элементлар ер ёнғокни тозалайди ва ҳаво турбинаси пўстлоқларини чиқариш учун хизмат қилади. Ушбу агрегат алоҳида ва автоматик линия тарзида ишлатиш учун мўлжалланган.

Эслатма: ҳар бир тугунлар 2 ёки 3 та пўстлоқдан ажратиш қурилмаларидан ташкил этилади, ҳар бирининг унумдорлиги 250 кг/соатдан иборат. Умумий сарфланадиган қувват 5 kW ни ташкил этади.

Асосий камчиликлари – иш унуми паст, электр энергияси сарфи кўп, пўстлоғи ажратилган ер ёнғокларда шикастланиш даражаси 5-8 фоизни ташкил қилади.

Ер ёнғок пўстлоғини ажратиш автоматик-техник кўрсаткичлари:

МОДЕЛЬ	«А – 300»	«А – 300 А»
Умумий узунлиги (см)	150	150
Максимал кенглиги (см)	120	120
Максимал баландлиги (см)	180	180
Номинал кучланиши (V)	400 V 230/3/50 Hz	
Умумий қуввати (KW)	2,75	2,75
Оғирлиги (кг)	245	245

Иш унумдорлиги (кг/соат)	300	300
Шовкини (дВа)	< 80	
Титраши (вибрация) (дВ)	< 50	
Тайёрланиши	Пўлат ва зангламайдиган пўлатдан	Зангламайдиган пўлатдан

Юқоридаги келтирилган қурилмаларнинг умумий бажарадиган функцияларини, олиб бориладиган жараён тартибини ва ишлаш принциплари бўйича асосий камчиликлари энергия сарфи катта, ерэнгоқ дони шикастланиш даражаси юқори эканлигидадир.

Ҳозирги кунда номеханик услубда кишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, уруғлари ва меваларига ишлов бериш, уларнинг шикастланишини камаййтириш мумкинлиги туфайли муҳим аҳамиятга эга.

Донлар қобиғини ажратиш истикболли йўналишлардан бири ўзгарувчан босимни қўллаш ҳисобланилади. Бу услубда дон ва унинг қобиғи оралиғига ўзгарувчан босим берилади ва сўнг қобиқ ташқи томондан босимни кескин тез чиқарилади. Шу билан бирга мева (дон) қобиғи оралиғига урилган ҳаво натижасида олинган потенциал энергия дон қобиғи ташқи томонидаги босимни дон материали массасидан тез чиқариш натижасида дон ва унинг қобиғи орасидаги боғлиқликни ажратувчи ишга айланади.

Бу услубнинг истикболлилиги олинган маҳсулот сифат кўрсаткичларининг юқори бўлиши билан аниқланади, чунки механик услубда бундай натижаларни олиб бўлмайди.

ФУҚАРОЛАРНИНГ ОИЛА ПАСПОРТИ НЕГИЗИДА MS. ACCESS ТИЗИМИДА МАЪЛУМОТЛАР БАЗАСИНИ ЯРАТИШ

*М.Мирзакаримов (НамМТИ),
доц. С.Каримбаева (НамМҚИ)*

Республикамизда ислохотларни чуқурлаштирилиши бир томондан аҳолини демократик руҳда тарбиялашга имкон яратса, иккинчи томондан бу ислохотлар уларнинг турмуш даражасига ҳам таъсир кўрсатиши мумкин.

Шуни таъкидлаш мумкинки, маҳаллада кам таъминланган оилаларни доимо назоратдан четда қолдирмаслик, улардан доимо хабар олиб туриш, моддий ва маънавий ёрдам бериб туриш, шулар билан бир каторда ишсизликни олдини олиш, бандлик, нафақа тайинлаш ва бошқа вазифалар устидан назоратни кучайтириш муоммолари юзага келади.

Ана шу мақсадда бундай муаммоларнинг ҳал этиш мақсадида фуқароларнинг маълумотлар базасини қайта ишловчи MS.Access тизимидаги дастур таъминоти яратилди.

Бу дастур ёрдамида «Оила паспорти» негизида тайёрланган маълумотлар базалари бўлиб, унинг қайта ишлаш имконияти яратилган.

Асосий маълумотларга қуйидагилар киради: